O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Хато-камчиликларингни яширган дўстдан уларни очиқ айтгувчи рақиб яхшироқдир.

Леонардо да ВИНЧИ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | 1999 ЙИЛ 8 *ИЮН*, СЕШАНБА | № 23 (123) | Сотувда эркин нархда

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ НИМА?

Мулоҳаза

Ҳозирги кунда юртимизда кўпчиликни диний масалалар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қизиқтирмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда... Бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайди, очиқроқ айтсак, бу муаммонинг негизига етиб боролмайди».

Давлатимизнинг ислом динига нисбатан муносабати Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Хусусан, юртбошимиз ислом дини ҳақида сўз юритиб, биз ўз миллатимзни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаслигимизни, диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизнинг таг-томиригача сингиб кетганлигини алоҳида уқтириб ўтди. «Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимизга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунё-ю, у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман... Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман... Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатда Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди» деб таъкидлади Президентимиз.

Модомики, Асосий Қонунимизнинг 93-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир, деб кўрсатилган экан, юртбошимизнинг юқоридаги сўзлари фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган виждон эркинлиги тўла ва ҳар томонлама кафолатланганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Конституциямизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» дейилган. Зотан, юздан ортиқ миллат ва элат, 15 дан зиёд диний конфессиялар вакиллари истиқомат қиладиган Ўзбекистонда фуқароларга виждон эркинлигининг кафолатланиши давлатимизнинг демократик моҳиятидан келиб чиқади, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланади. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 18-моддасида «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир, бу ҳуқуқ ўз дини ёки маслагини ўзгартириш эркини, ўз дини ёки маслагига якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда, таълимот, тоат-ибодатда ҳамда диний расм-русумлар ва бошқа шунга ўхшаш маросимларни адо этишда халойиқ билан биргаликда ёки хусусий тарзда эътиқод эркинлигини қамраб олади» дейилган. Худди шундай мазмундаги меъёрлар «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт»да ҳам ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда)

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар Оллоҳ карами билан берилган умрларини, куч-ғайратларини, билиму салоҳиятларини яхшиликка бахшида этмоқни шараф деб биладилар. Бундай ҳалол, пок, саҳоватпеша одамлар боқий қолувчи эзгулик ёдгорликларини авлодларга мерос қолдирадилар. Ҳатто тош устида боғ яратиб, саҳрою чўл, тиконзорларни гулзорга айлантириб, бева-бечоралар қалбига яхшилик уруғини парвариш қиладилар. Бундай инсонлар ҳаромҳаришдан, разолату инсон дилини оғритишдан ҳазар қиладилар, эзгуликкa фидо бўлиб яшайдилар. Шундай азиз инсонлар сабаб - ҳаёт гўзал, яшаш завқли, тонглар беғубор, оқшомлар осойишта, кўнгиллар тинч, мақсад ва интилишларимиз олийжаноб, эртанги кунга умидимиз катта.

Яқинда туғилиб-ўсган азиз масканим Жалолқудуқда бўлдим. Бир дунё соғинчларим тўкилиб, енгил торлаяпти. Мустақилликнинг ёзилмаган шиори битта: «Дангаса, лоқайд бўлманг, тайёрга айёрлик кетмайди. Яратинг, бунёд этинг, роҳатини кўринг!» Аллоҳ инсонга онг, ақл-идрок, қўл-оёқ беribдики, уни ишлатмаслик залолатдир. Элда шундай бир ҳикмат юради. Бир тақводор одам анҳор лабида таҳорат олаётиб, сувга тушиб кетибди. «Мўминмусулмонга фарз бўлган барча тоат-ибодатларни қилаётирман. Худонинг ўзи мени сув балосидан сақлайди» деб оқиб кетаверибди. Шунда бир нидо эшитилибди: «Сенга қўл-оёқ, ақл ато этганман. Шуларни ишлат!» Тақводор ҳаракатга келибди. Анҳорга эгилиб турган тол шохига тирмашиб, омон қолибди. Ҳамшаҳарларим бу ривоятни жуда чиройли тарзда ҳикоя қилиб бердилар. Айни пайтда дилларидаги ранжу нафратларини ҳам яшириб ўтиришмади. Шу йилнинг февралида Тошкентда рўй берган фожиа ҳамон қалбларни ларзага солмоқда. Нуроний отахон, меҳрибон онаҳонлару мактаб ўқувчиларигача шу воқеани жиддий таҳлил қилиб, мулоҳаза юритмоқдалар. «Ваҳҳобийлар дегани кимлар ўзи? «Ҳизбут-таҳрир» оқими дегани нимаси? Ўзбекистонда, бизнинг тинч юртимизда уларга нима бор? Ҳалифалик тузадими, қироллик барпо этадими, ибтидоий жамоа тузумига қайтадими, нима қилса, ўз уйида, юртида қилавермайдими? Ёшларимизни йўлдан уриб, тинчлик-осойишталигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай кучнинг пайини аямай қирқиб ташлаш керак». Оддий одамларнинг хулосалари ана шундай.

Уларнинг самимий дил сўзларини тинглаб, ўйланиб қолдим. Дарҳақиқат, динни ниқоб қилиб олиб, мўмин-мусулмонларнинг диндан ҳафсаласини қайтаришга уринаётган кимсалар уялмай-нетмай Аллоҳ номидан гапиришга жўръат этаётган маддоҳлардир. Келинг, уларнинг фаолияти динни нечоғлик инкор қилишини ҳаётий манзаралар тимсолида кўриб чиқайлик.

Аллоҳнинг муборак каломи Қуръони Каримнинг «Фуассилат» сурасининг 46-оятида шундай дейилган: ***«Сенинг парвардигоринг бандаларига ҳеч ёмонлик қилмайди». «Улар (мусулмонлар) гапни эшитганларидан сўнг энг яхшисига эришадилар»***, дейилади «Зумар» сурасининг 18-оятида. Хўш, парвардигорнинг ўзи бандасига ёмонликни раво кўрмасаю, диндор одам мўмин-мусулмонлар қонини тўкишга фатво берадими? Аллоҳ бандаларини яхшиликка даъват этсаю, «Дин - иймон» деб даъво қилаётган вайсақилар Тошкентдай шаҳри азимнинг не-не машаққатлар билан бунёд этилган гулдай биноларини портлатиб, бегуноҳ одамлар қонини тўкадими? Демак, дин улар учун бир ниқоб. Одам жирканадиган башараларини дин билан яширадилар. Бундай сохта билим эгалари ҳақида «Фурқон» сурасининг 34-оятида шундай деб аниқ айтилган: ***«Сен уларнинг кўпларини эшитадилар ва ақл ишлатадилар, деб ҳисоблайсанми? Улар худди ҳайвонларга ўхшайдилар, балки ҳайвонлардан ҳам баттардирлар».***

Тошкентдаги фожиада оддий мўмин-мусулмонларнинг ёстиғи қуриди. Бундай пасткаш қотилликни бўри, илон ўзига эп кўрмас. Хўш, ваҳҳобийлар, ақидапарастлар уйдирмадан иборат варақалар тарқатиб, қўлларига қурол олиб, Ўзбекистонни кимлардан, нималардан ҳимоя қилишмоқчи? Бу ғараз фикрларни большевиклар ҳукмронлиги даврида тўқишганда, балки ишонарли бўлса ажаб эмас эди. Аллоҳни ҳамиша қалбида, юрагида сақлаётган, унга ширк келтирмай, ўзини Муҳаммад (САВ) уммати деб билиб, беш вақт намозини муҳташам масжидларда ўқиётган, рўзани канда қилмаётган, ҳаж зиёратига беш-ўнталаб эмас, бешўн минглаб бораётган ўзбекдан қутқармоқчими? Қани мантиқ, қани чин иймон олдидаги ҳисобот? Иймоним комилки, бугун Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир ўзбекнинг дилида, қалбида Аллоҳ меҳри қуёшдай порлаб турибди. Бузғунчи қабиҳ ниятли сохта «ватанпарварлар» қалбимизга яна қанақа «нур»ни киритмоқчи эканлар?..

Қонун ҳимоячиси, ҳуқуқшунос олим сифатида бир нарсани қатъий айтмоқчиман. Қонун олдида шоҳу гадо баробар. Жиноят жазосиз қолмайди. Акс ҳолда ҳар қандай мамлакат таназзулга юз тутади. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини, шахсини, манфаатларини ҳимоялаш қонуннинг бурчи, вазифаси.

Бугуннинг гапи

ЯХШИ ОДАМ ЮРТ ТУЗАР...

тдим. Ота-онам қабрларини зиёрат қилдим. Ҳамшаҳарларим, қариндош-уруғларим, дўсту биродарларим билан дийдорлашиб, диллдан гурунглашдим. Энг муҳими, уларнинг руҳиятидаги тетиклик ва уйғонишни кўриб қувондим. Буларнинг барчаси эртанги кунга бўлган буюк ишончнинг буюк ҳаётий шаҳодатномаси эмасми, ахир. Мана шу ҳаётий манзараларга завқ-шавқ билан боқиб, ногоҳ кўз олдимдан Чеченистон далаларини суғораётган бегуноҳлар қони, Тожикистондаги хунрезликлар, Югославиядаги уюм-уюм жасадлар ўтди. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка минг-минг шукурлар қилдим. Юртбошимиз Ислом Каримов бутун вужуди, қалби, бардоши билан маҳкам, мардона ушлаб турган тинчлик, осойишталик байроғи қаршисида тиз чўкким келди. Ахир, инсон учун тинчликдан бошқа буюкроқ бахт борми?!

Сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳамшаҳарларим юракларида борини очиб, нималарни ўйлаётган, мулоҳаза қилаётган бўлсалар шуларни тортинмай айтишди. Мустақиллигимиз беқиёс даражада ҳам маънавий, ҳам иқтисодий неъматлар берганлигини, бераётганлигини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашди. Ҳақорат ботқоғига ботган тилимиз давлат мақомига эга бўлиб, жаҳон минбаригача чиқиб борди. Тарихимизнинг моғор босган саҳифалари яна нурга қоришди.

Кеча дунёдаги энг тараққий этган мамлакат Американи кўриш хаёлга ҳам сиғмас бир орзу эди. Бугун-чи, бугун?! Оддий деҳқон ёки ишчининг ўғил-қизи ўша хаёлий мамлакатда ўқиб, таълим олаяпти. Москвага боришни энг олий шараф деб билган ўзбек спортчиси жаҳоннинг манаман деган, елкаси ерга тегмаган спортчисини доғда қолдириб, Ўзбекистон байроғини энг юксакда ҳилпиратиб қўймоқда. Ёхуд Хоразмга бориб келишни энг олис сафар деб, унга ҳафталаб ҳозирлик кўришга ўрганган ўзбек журналисти бугун Вашингтондан, Лондондан, Париждан, Маккаи Мукаррамадан тўғридан-тўғри халқаро воқеаларни шарҳлаб бераётир. Буларнинг барчаси мустақиллик берган неъмат бўлмай нима?

Ҳа, бугун ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш учун барча имкониятлар мавжуд. Билимингиз, қобилиятингиз борми, мана ер, мана сув, мана корхона, мана маблағ дейинмоқчи).

Шу кунларда ўзи туғилиб ўсган Ўзбекистон номига мағзава ағдариб, бировларга қисинди бўлиб, кун ўтказаётган қочоқ кимсаларнинг алмойи-алжойи алаҳсирашини қаранг: февраль фожиаси иштирокчиларини сўзсиз ҳибсдан озод қилиш керак эмиш. Тушингизни сувга айтинг, «жаноблар». Қотилга раҳмат айтиш сизларнинг вазифангизга киради. Қотил, хиёнаткорларни, Ватанга ўқ узганларни халқимиз асло кечирмайди!

Сохта ватанпарварларнинг яқиндагина ўз «биродар»ларига нисбатан қилган хунрезликлари жаҳон афкор оммасини ўта сескантирганлигини эсланг. Тожикистонда рўй берган Ғарм фожиаси кимнинг аслида ким эканлигини кўрсатмадими? Бундай қонхўр кимсаларнинг орномус ҳақида гапиришга ҳаққи йўқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг февраль воқеалари муносабати билан қилган маърузаларида эл-юртининг чинакам фидойиси, тинчлик ва осойишталик посбони, ифтихор қилсак арзийдиган ғамхўр отаси тимсолида намоён бўлганини бутун халқ кўрди, чуқур ҳис этди. Юртбошимиз Узбекистоннинг барча ёшларини ўз болам деб, уларга бағрини очди. Бундан-да улуғроқ меҳр бўладими, ахир. Бизлар бу илтифотга жавобан ҳар дақиқа ҳушёр, сезгир, мулоҳазакор ва аҳил бўлмоғимиз шарт.

Бу ўйларим юқорида айтганимдек, жалолқудуқлик ҳамшаҳарларим билан бўлган суҳбатларда юзага чиқди. Уларнинг мени ғурурлантирган, дилимни равшан этган бу гапларини кўпчиликка етказишни истадим. Улар Президентимизнинг Ўзбекистон тинчлиги, осойишталиги йўлидаги фидоийлигини юрак-юракдан қўллаб-қувватлашаётир. Бутун Андижон аҳли бузғунчи диний ақидапарастларни, она юртни тарк этиб, унга маломат тошларини отаётган падарқушларни қаҳру-ғазаб билан қоралашаётганига гувоҳ бўлдим.

Яхшилик - Аллоҳнинг иноятн. Ватанга фақат эзгулик билан хизмат қилганларгина қадрланади. Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Турсунбой МИРЗАЕВ,
ҳуқуқшунослик фанлари номзоди

Қарор ва ижро

«ЖУЗЪИЙ» КАМЧИЛИК ЭМИШ

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда камтарона натижалар билан қаноатланишди. Хўш, бунинг сабаби нимада? Масаланинг бу тахлитда қўйилиши қонун назорати идоралари зиммасига ҳам бир қанча масъулиятли вазифаларни юклади.

- Кўпгина хўжалик раҳбарларини ҳали мавсум арафасидаёқ огоҳлантирган эдик, - дейди Элликқалъа тумани прокурори К.Юсупов, - аммо қозон бўш бўлгач, чўмичга нимаям илинарди?

3-бет

Воажаб!

ТЎҒАНОК

ёки «Ўзуйжойжамғармабанк» Қашқадарё вилояти бўлими бошлиғи Ш.Умировнинг ажабтовур ишлари хусусида

Қаҳрамонимиз Дўстназар Худойназаров салкам бир йилдирки, сарсону саргардон, ҳақиқат излайди. Топгани бир-бирига қарамақарши фикрлару тахлам-тахлам қоғозлар, холос. Воқеанинг қисқача тафсилоти шундай. Қарши шаҳридаги «Яхши ният» қурилиш ишлаб чиқариш корхонаси муассиси Д.Худойназаров кредит олиш учун «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Қашқадарё вилоят бўлимига мурожаат қилди. Ариза ёзилди, корхонанинг 1998 йил 1 июлдаги ҳисоб баланси ва бизнес режаси кўрсатилди, кредитни қайтариш муддати белгиланди. Қарши шаҳар солиқ инспекциясининг корхона солиқ тўлови бўйича қарздор эмаслиги ҳақидаги иловаси келтирилди. Шаҳар ҳокимлигининг корхонани ривожлантириш учун ер ажратиш тўғрисидаги қарори ҳам бор. «ҚашқАудитИнформ» Марказининг корхонага тегишли асосий воситаларини яъни, 50 ўринли чойхона биносини 9.797.700 (тўққиз миллион етти юз тўқсон етти минг етти юз) сўмга баҳолади. «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими ходимлари ҳақиқатан ҳам юқорида кўрсатилган суммада (9.797.700) баҳоланган воситa борлигини аниқлаб, далолатнома тузди лар. «Ўзбекинвест» суғурта компаниясининг корхона биносини суғурталанганлиги тўғрисидаги суғурта полиси ҳам тақдим этилди. Хуллас, ҳамма ҳужжатлар тахт бўлди. Биргина нотариал тасдиқдан ўтказиш қолди, холос.

Ҳамма иш биноийдай силжиётган эди. Корхона учун банкдан 8.000.000 (саккиз миллион) сўм кредит олинишига бир баҳя қолганда, барча иш чаппасига кетди. Унга кредит берилмайдиган бўлди. Тадбиркорнинг барча саъй-ҳаракатларини бир пул қилиб, «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими ходими Илҳом Ҳўжаев тайёрланган ҳамма ҳужжатларни қайтариб олди.

- Нега? – деди Дўстназар.

- Энди сизга улар керак бўлмайди. Кредит ололмайсиз, – деди Илҳом Ҳўжаев...

Воажаб! Д.Худойназаров қўлидаги бир-биридан «чиройли» ва «мазмундор» ҳужжатлар тилга кирмайди-да! Дўстназар вилоят ҳокимлигига шикоят қилди. «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими бошлиғи Ш.Умиров, савдо ташкилотларини ва кичик бизнесни кредитлаш бўлимининг етакчи мутахассиси И.Ҳўжаев, ҳуқуқшунос маслаҳатчи Х.Муҳаммаевларнинг 4 пунктдан иборат расмий жавобига эътибор қилинг:

«...Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими кредит комиссияси сизнинг 1998 йил 11 августда кредит олишга берилган буюртма хатингизни ва тайёрланган ҳужжатларингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларга асосан рад жавоби билдирилганини маълум қилади:

1. ... корхонанинг кредит синфлиги ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлари аниқланмаганлиги учун.

2. Республика Марказий банкининг 1997 йил 4 октябрдаги 30/16-сонли баённомасида кредит синфи 2 даражадан паст бўлмаган кредит олувчи корхоналарга «Узбекинвест» суғурта компаниясининг суғурта полиси таъминот сифатида олиниши рухсат этилган деб кўрсатилган қисмига асосан...

3. Республика «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг 1998 йил 17 апрелдаги йўриқномасида «кичик бизнес корхоналарига халқ истеъмол моллари олиб сотиш учун уч ой муддатга кредит берилсин» деб кўрсатилган қисмига асосан....

4. Республика Марказий банкининг 20 апрел 1996 йилдаги 33-йўриқномасига асосан...(кредит ололмайсиз демоқчи).

Дўстназар вилоят ҳокимлигига ёзган шикоятига Марказий банк вилоят Бош бошқармаси бошлиғи А.Боймуродовдан жавоб олди. Мазкур масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Назаровга ҳам шу жавоб йўлланганди:

«... «Яхши ният» қурилиш ишлаб чиқариш корхонаси тақдим эттан ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 20 апрелдаги 33-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларга қисқа муддатли кредитлар берилишини ташкил этиш тўғрисида»ги қўлланмаси талабларига жавоб берса-да, кредит ДАТ Республика «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлимининг айби билан тўхтатиб турилганлиги текшириш давомида маълум бўлди».

Ажабо, бир масалага икки хулоса. Ким ҳақ? Яна бунга ўз соҳасининг мутахассислари фикр билдиришган. Қашқадарёда «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими ҳамда Республика Марказий банки вилоят бошқармаси учун алоҳида-алоҳида қонунлар борми, деган ўйга борадиган, киши. Аслида ҳамма ҳужжатлар тахт эди. Корхонадан кредит талабномаси сўралди. Бироқ кредит талабномаси йўқ эди. Шу ўринда корхонанинг айби борми? Йўқ, албатта. Чунки кредит талабномаси банк мутахассислари томонидан тайёрланади. Шунингдек, корхона раҳбари томонидан тасдиқланган режада кредитнинг аниқ йўналиши, товар етказиб берувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар банк бўлимининг кредит иқтисодчиси томонидан ўрганилиши ва талаб қилиб олиниши шарт эди. Бироқ...

Д.Худойназаров юқори ташкилотларга бир неча бор шикоят ёзди. Ш.Умиров эса унга мутлақо қарши. Вассалом. Ё тавба, нега энди жаноб Умиров аввал корхонанинг кредит олиши учун 1998 йил 27 июлда уч томонлама тузилган шартномага имзо чекди-ю, кейинчалик айниб қолди? «Ўзбекинвест» Миллий суғурта компаниясининг вилоят шўъба корхонаси, «Яхши ният» корхонаси «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими томонидан тузилган 06/01100043-сонли суғурта шартномаси, суғурта полиси ҳамда унга қўшимча 1-сонли гаровга қўйилаётган мулкнинг рўйхати, банк бўлими томонидан 1998 йил 27 июлда берилган қисқа муддатли кафолат мажбуриятномасида ҳам жаноб Ш.Умировнинг жимжимадор имзоси «манаман» деб турибди. Хўш, кредит берилмас экан, юқоридаги саъй-ҳаракатларга на ҳожат эди? Ахир, бу жараён амалга ошгунга қадар корхонага кредит бериш ёки бермаслик масаласи кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилиши шарт эмасмиди?!

Хатони тан олиш керак. Тадбиркор Д.Худойназаров ҳақиқат излаб «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси Т.Азимов номига шикоят ёзди. Шу шикоят юзасидан Ш.Умиров Т.Азимовга расмий хат жўнатди. Икки саҳифадан иборат хат рус тилида (Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганига яқинда 10 йил тўлади...) Ш.Умиров жўнатган расмий хатда кўрсатилган «сабаблар» корхонанинг кредит ололмаслигига асос бўлолмайди. Расмий хатда корхонанинг фаолият кўрсатмаганлиги рўкач қилинади. Минг афсуски, 1998 йилнинг 4 октябрида корхонанинг тўққиз ойлик молиявий фаолиятини текшириш натижаси бўйича тузилган далолатнома корхона фаолият кўрсатганлигини мутлақо исботлаб турибди. Хуллас, Ш.Умиров ишга тўғаноқ. Ёза-ёз авжига чиқди. Тўпланган далиллар эса «занжирбанд шер».

Ўтган йилнинг 8 ва 22 декабрида шахсан республика «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси Т.Азимов имзоси билан ёзилган расмий хатда ҳам корхонага кредит бериш ноқонуний эканлиги кўрсатиб ўтилди (ушбу расмий хатлар ҳам рус тилида ёзилган). Хуллас, «Бой бойга боқар, сув сойга оқар». Саргардон Дўстназар эса фикрида қатъий.

«Ўзуйжойжамғармабанк» раҳбарияти томонидан келаётган расмий хат жавоблари кредит масаласини рад этар, шу билан бирга мазмун ва моҳияти жиҳатдан бир-биридан деярли фарқ қилмасди. Охири Д.Худойназаров адвокат ёллашга мажбур бўлди. Кредит олишга қонуний жиҳатдан ҳақли эканлигини яна бир карра тасдиқдан ўтказди. Қарши ва Тошкент оралиғида бўзчининг мокисидек зир югурди. Яна бир жомадон ҳужжат тўплади. Унинг шикоятлари бўйича «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси эса (яна рус тилида) буйруққа қўл қўйди. 1998 йил 22 декабр. **«Ўзуйжойжамғармабанк» Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари корхона муассиси Д.Худойназаров томонидан кредит олиш хусусида тайёрлаган ҳужжатларни қабул қилишда қўпол хатога йўл қўйганлиги, улар билан етарлича танишиб чиқмаганлиги учун Ш.Умиров қаттиқ огоҳлантирилсин. Савдо ташкилотларини ва кичик бизнесни кредитлаш бўлимининг етакчи иқтисодчиси И.Ҳўжаев корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш вазифасидан четлатилсин ва кам иш ҳақи билан қуйи лавозимга ўтказилсин».** Вассалом.

Мен нима дейману қўбизим нима дейди, деган халқ

(Давоми 3-бетда)

1999 йил-Аёллар йили

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеини кўтаришга катта эътибор қаратилмоқда. Оила йилининг давоми сифатида ўтаётган йилимиз Аёлларга бағишлангани ҳам уларга бўлган юксак эҳтиромдир. Мустақиллик шарофати билан хотин-қизларимизнинг манфаатини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани айниқса қувончли.

Республикамиз Президентининг «Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур» деган сўзлари айни бугуннинг талабидир. Республикамизда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этувчи бир қанча қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлиги улар қадр-қимматини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги 73-сонли «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши эндиликда аёлнинг мамлакат фуқароси сифатидаги тараққиётимизнинг тўғри йўлидан дадил одим ташлашида дастуриламал бўлади, деб ўйлайман.

4-бет

(Давоми . Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига кўра, «фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни уёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди».

Қонунда айтилишича, вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Албатта, динга эътиқод қилиш эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Виждон эркинлиги, қонунда кўрсатилганидек, аввало, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлигини ҳамда қонун олдида тенглигини назарда тутади. Бунга кўра расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқодлари билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қатъиян ман этилади. Акс ҳолда бундай хатти-ҳаракатлар қонунда белгиланган тартибда маъмурий ёки жиноий жавобгарликлар келтириб чиқариши мумкин.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ НИМА?

Мулоҳаза

Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги яна шуни англатадики, ҳеч ким диний эътиқодини рўкач қилиб, Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Виждон эркинлигининг муҳим белгиларидан бири - бу диннинг давлатдан ажратилганлигидадир, яъни диний ташкилотлар давлат ишларини ҳал қилишда иштирок этмайдилар. Ўзбекистонда ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар ўрнатилмаган. Ҳамма динлар қонун олдида тенг; бирор динга эътиқод қилиш ёки қилмасликка нисбатан ҳеч қандай мажбурият йўқ; масжид, мадраса ёки бошқа черков, монастир каби диний ташкилотлар фойдасига мажбурий йиғимлар тўплаш тақиқланади; давлат диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмайди. Лекин давлат турли динларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистонда диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек, яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, давлат виждон эркинлигини амалда кафолатлаб, диний ташкилотлар, яъни фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалар (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагоглар, монастирлар ва бошқалар)нинг фаолиятига йўл қўяди, лекин бунинг учун улар Ўзбекистон Конституциясига ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари шарт. Ўзбекистонда динга муносабат учун бирон бир адоват ёки нафрат уйғотиш тақиқланади.

Конституциямизда белгиланган виждон эркинлигининг муҳим кафолатларидан яна бири бу - Ўзбекистонда таълим тизимининг диндан ажратилганлигидир. Таълим тизимида диний фанлардан, диний тўлимотлардан дарс беришга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатларидан қатъий назар таъмин этилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонунларимизда давлатимизнинг динга бўлган муносабатлари адолатли ва одилона ҳал этилган. Юртбошимиз уқтирганидек, «Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини ҳалол ва оғишмай бажариш талаб қилинади».

Биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва адолатли, демократик дунёвий давлат қурмоқдамиз. Бундай жамият ва давлат барпо этишнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ва истиқболлари аниқ ишлаб чиқилган, белгилаб олинган ва бутун халқимиз томонидан якдиллик билан қабул қилинган. Лекин истиқлолимизни, ютуқларимизни кўра олмаётган айрим бузғунчилар аввало ёшларимизни мафкуравий тузоққа илинтириб, мақаддас динимизни булғашга ҳамда ундан истиқлолимизга, тинчлигимизга қарши қурол сифатида фойдаланишга уринмоқдалар. Масалан, Президентимиз кўрсатиб ўтганидек, биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта бундан ўн тўрт аср илгариги воқеиликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик томонидан бошқарилиши зарур.

Хўш, бундай ниятнинг тагида аслида қандай мақсадлар яширинган? Араб халифалиги ўзи нима? Нима учун айрим кишилар уни тикламоқчи бўлаяптилар? Бу саволларга фақат тарих, узоқ ўтмишимизгина энг тўғри жавоб бериши мумкин! Бизнингча, халифаликни тиклаш ҳозирги кунда қандай қонли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини фақат унинг келиб чиқиши, ривожланиши ва тараққиёт босқичларини, босқинчилик юришларини, мустамлакачилик сиёсатини, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий тарихни ёритиш орқалигина ёшларимизга тушунтириб бериш мумкин. Таассуфки, кўпчилик олимларимиз нима учундир бундай муаммолар билан яхшиси шуғулланмай қўя қолишни афзал кўрадилар! Ахир, ғояга ғоя билан курашмоқ зарурлиги ҳаммага аён-ку!

Кейинги вақтларда исломдаги турли террористик ва экстремистик ташкилотлар ва таълимотлар ҳақида кўп гапирилаяпти. Булардан айниқса, «Ҳизбут таҳрир ал-исломий» ташкилоти, ваҳҳобийлик оқими Ўзбекистонда яширинча, пинҳона иш олиб бораётганлигини, улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилишаётганлигини юртбошимиз ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Лекин нима учун исломшунос олимларимиз ва муқаддас динимизнинг билимдон ва мўътабар вакиллари бундай ташкилотларнинг ҳақиқий башарасини фош қилувчи асарлар, мақолалар ёзмайдилар? Радио, телевидение, рўзнома ва журналларда чиқишлар қилмайдилар? Ахир, уларнинг экстремистик, террористик хатти-ҳаракатлари муқаддас Қуръони Каримга ва Ҳадиси шарифларга мутлақо зид-ку! Буларни ҳар томонлама ва атрофлича асослаб тушунтириб берилмаса ёшларимизни қуруқ сўзлар билан ишонтириб бўлмайди!

Аллоҳга шукроналар бўлсинким, миллий истиқлол берган улкан имкониятлар туфайли биз қадимий ўтмишимизни, Ислом динимиз, она тилимиз, урф-одатларимиз ва тарихий анъаналаримизни аслидагидек, мафкуравий ақидаларсиз холисона ўрганиш ва ёритиш бахтига муяссар бўлдик. Ҳозирги кунда мамлакатимиз тарихини ўрганишда жуда ноёб бўлган муҳим тарихий манбалар ва асарлар, жумладан, Қуръони Карим, буюк аждодларимиз Имом Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг ҳадислар тўпламлари, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий ва Нажмиддин Кубро ҳикматлари, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқаларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий асарлари чоп этилиб, кенг китобхонлар томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. «Лекин бахтга қарши, биз ислом динимизнинг узвий ажралмас таркибий қисми бўлмиш шариат, фиқҳ илмини яхши билмаймиз. Чунки биз уни яхши ўрганмадик».

Хуллас, биз қадимий ўтмишимизни, ислом динимиз тарихини, урф-одатларимизни ва тарихий анъаналаримизни тўлиқ билмай туриб, юқорида кўрсатилган айрим мафкуравий таҳдидларга қарши кураша олмаймиз. Конституциямизда кафолатланган виждон эркинлигининг бугун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тўлиқ тушуна олмаймиз.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси

Осойишталигимиз посбонлари

БИРГАЛИКДА ЭЛ БЎЛИБ...

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунослар, ички ишлар тизими вакилларининг хизматлари сезиларли бўлмоғи керак. Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, қолаверса, содир этилган жиноятларни зудлик билан очиш уларнинг обрўсини оширибгина қолмасдан, жамиятимизда кечаётган демократик ўзгаришларни жадаллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу борада Қашқадарё вилоят Китоб туманида қандай ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида мухбиримизга туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Олмурот ЭШҚОБИЛОВ қуйидагиларни гапириб берди:

- Туманимиз ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтган йили жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Мисол учун «Арсенал» тадбири бўйича айрим фуқароларда ноқонуний сақланаётган ов қуроллари мусодара қилиниб, маъмурий жазолар қўлланилди. Шунингдек, «Тун», «Тозалаш» ва бошқа тадбирлар ўтказилиб, 9 нафар шахси номаълум кимсалар аниқланди. Мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қиладиган 63 нафар шахс рўйхатга олиниб, даволаш муассасаларига юборилди. 25 та майда ўғирлик ҳолатлари, экинзорларни пайҳон қилиш бўйича 32 та факт аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди. 1998 йилнинг август ойида ўғрилик, қотиллик, талончилик жиноятларини мунтазам равишда содир этиб юрган ўта хавфли жиноий гуруҳ аъзолари - Чироқчи туманида яшовчи, 1973 йили туғилган Алиқулов Жўрамурод ва унинг шериги, 1975 йили туғилган Собир Қўйлиевлар аниқланиб, қўлга олинди. Тинтув вақтида уларнинг уйидан қўлбола тўппонча ва унинг ўқлари, ханжарсимон пичоқ, жиноят содир этишда қўлланиладиган ниқоблар, турли хил буюмлар топилди. Уларнинг иши судда кўрилиб, С.Қўйлиев 20 йилга, Ж.Алиқулов 18 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ўтган йилнинг 9 ойида гиёҳвандлик бўйича 32 та факт аниқланди. Шундан 12 таси сотиш, тарқатиш, 2 таси қонунга хилоф равишда сақлаш ва 18 таси гиёванд моддаларини экиш фактларидир. Бу жиноятлар билан боғлиқ 33 киши жавобгарликка тортилди.

Қонунга хилоф равишда қурол сақлаш билан боғлиқ иккита жиноий ҳолат қайд этилди. Китоб тумани Паландара жамоа хўжалигида яшовчи А.Мамадалиев ва К.Рустамова жамоа хўжалигида яшовчи А.Рустамовлар ўқотар қуролларини яширин равишда сақлашгани фош этилиб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ўғрилик жиноятларини фош этиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 1999 йил 8 феврал куни Зарафшон агрофирмасининг заҳирадаги 10 КВТли 65 кг. алюмин симларини номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетганлиги бўйича хабар олдик. Тезкор қидирув натижасида шу агрофирманинг Минжир қишлоғида яшовчилар Суюн Жумаев, Тоштемир Мейлиев ва муқаддам ўғрилик билан судланган Ориф Ражабовлар ушбу ўғриликни содир этганлиги аниқланиб,уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, ҳозирда ушбу иш судда кўрилмоқда.

Тумандаги 11 та маҳалла ва 14 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида тартибни сақлаш постлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда улар фуқаролар осойишталигини таъминлашда кўмаклашмоқда.

Юртимизнинг порлоқ эртаси учун ҳар биримиз ўзимизни масъул деб билишимиз даркор. Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, фарзандларимизга тўғри тарбия бериш мақсадида «Камолот», «Нуроний» жамғармаси, халқ таълими ва ички ишлар бўлимлари ҳамкорликда «Диққат ўсмир» тадбирини ўтказмоқда. Мактабларда болаларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида турли хил тўгараклар ташкил этиш ва уларни шу тўгаракларга жалб қилишга киришилган. Ёшларимизнинг дунёқарашини тўғри шакллантиришимиз учун фуқаролар йиғинлари, ўқув масканлари, ёшлар уюшмалари билан доимо биргаликда иш олиб бораяпмиз.

Озод АЛИҚУЛОВ ёзиб олди

Даҳшат!

ГУМРОҲЛАР

Гулистон шаҳридан оқиб ўтадиган «Дўстлик» каналидан сувга бўкиб шишиб кетган одам боши топилди. Ўша кунлар шаҳарнинг ахлат ташланадиган жойларидан бир жуфт қўл, бир жуфт оёқ ва қорин бўлаклари чиқди...

Аслида инсонга берилган умр унчалик узун эмас. Бироқ одамлар орасида на инсонийликни ва на умр қадрини билмайдиган тошбағир кимсалар борлиги ажабланарли ҳолдир. Зотан, инсон танасини бўлакларга бўлиб, ҳар тарафга улоқтирган ҳоҳилни бошқа ким деб аташ мумкин! Гулистон шаҳар ИИБ жиноят -қидирув бўлими ходимлари мазкур тана аъзоларини солиштиргач, бу 16-17 ёшлар атрофидаги йигитнинг жасади эканлигини аниқлашди. Дарҳол жасаднинг шахсини аниқлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Шаҳар жиноят-қидирув бўлими катта тезкор вакили, милиция капитани Иброҳим Сувоновнинг назари жасад оёғига чизилган «белги» (татиуровка)га тушди. Ушбу белги жасад эгасининг ҳаётлигида қамоқда ўтириб чиққанидан «нишона» эди. Шунингдек, жасаднинг чап қорин қисмида ҳам мушук расми туширилган «белги» бор эди. Бу эса марҳумнинг ўғри бўлганидан белги берарди. Иброҳим Сувонов шулар асосида вояга етмай майда ўғрилик билан жазо муддатини ўтаганлар рўйхатини кўздан кечирди. Керакли маълумотларни олгач, у вақтинча хизмат либосини ечиб, фақир киши қиёфасига кирди-да, жиноятчиларни қидиришга тушди.

- Салом, сиз Владимирнинг акаси эксанси. Мен унинг қамоқдош дўстиман, уни менга чақириб берсангиз... Уйдами ўзи?

Иброҳим Сувоновнинг кутилмаганда берган саволидан Сергей сергак тортгандек бўлди:

- У... у энди Зангиотадаги опамникида яшаяпти... Ўша ёқда ишга жойлашган.

Сергейнинг жавобини эшитгандан сўнг «қамоқдош дўст» индамай жўнаб қолмади. Сергей билан юмушсиз, ташвишсиз кишидек узоқ суҳбатлашди. Владимирни шунчаки кўргиси келган бўлиб, гап орасида опасининг исмини, яшаш манзилини билиб олди ва ўша куниёқ Зангиота туманига йўл олди.

И.Сувонов Сергейнинг опасига ҳам ўзини Владимирнинг «қамоқдош дўсти» дея таништириб, унга зарур гапи борлигини айтганда опа:

- Владимирни кўрмаганимга ярим йиллар бўлди, чамамда... Тинчликми ўзи, Сергей нега ёлғон айтди экан?

Опанинг жавобидан калаванинг учи кўрингандай бўлди. У энди Сергейнинг олдига «яримта» билан кириб борди. «Қадрдон ошналар» роса отамлашишгач, Иброҳим Сувонов Владимирдан сўз очди:

- Зангиотага Владимирни қидириб борган эдим, опангиз уни ярим йиллардан буён кўрмаганини айтди. Нега «мендай биродар»ни алдадингиз, тушунмадим?..

- Эҳ, дўстим, укамни қидиришдан наф йўқ... У ҳақда гапириб дардимни янгилама! - ҳасрат-ла йиғлай бошлади Сергей.

- Нега энди?...

Мастлик - ростлик деганларидай, Сергей бўлиб ўтган воқеани, ундан сир тутиши лозимлигини талаб қилиб, аслича сўзлаб берди.

Сергей оилада олтмиш ёшни қоралаб қолган онаси ҳамда укаси Владимир - уччовлон яшашар эди. Уччовлари ҳам бир сўм топишса ичишар, Сергей «йўқчилик»дан хумори тутган кезлари ўғирликка қўл урар, оқибатда тўрт марта судланганди. Владимир эса бир маротаба судланган эди.

Ўша машъум воқеа содир бўлган куни Сергей ҳаммолик қилиб топган пулига уйга уч шиша ароқ билан кириб келди. Она-болалар мириқиб хумор босди қилишди. мастликдан столга бош қўйиб уйқуга кетган онани Сергей туртиб уйғотарди:

- Она, она, туринг! Тунов кунги яримта тилло занжирингизни олиб чиқинг, яна ароқ олиб келаман...

- Етар энди, дамингни ол! Онамни тинч қўй, тилло занжир бирор коримизга ярайди, нон пули бўлади.

- Сен ҳам келажак ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдингми? Жиғимга тегма!

- Сергей, бўлди дедим, - Владимирнинг сўзи оғзида қолди, ака укани савалай кетди. Улар анча олишишди, охири она орага тушиб ўғилларини ажратиб қўйди.

Сергей ҳовлига чиқиб, ўзини қўлга олмоқчи бўлди. Аммо хумори босилмади. Нафсини жиловлашга иродаси етмаётган аламзаданинг кўзи қонга тўлди: «Укам бўла туриб, менга қарши чиқди, менга қўл кўтарди, уни ўлдираман!» Шундай қарор билан у уйнинг бир бурчида турган болтани қўлига олди. Бу вақтда она ҳам, Владимир ҳам ширин уйқуда эдилар. Ака тап тортмай ўз жигарининг бошини танасидан жудо қилди!..

...Она ва ака ўз жигарларининг бошсиз танасини икки қўли ва икки оёқларидан ҳам жудо қилдилар. Ва икки оёқ, икки қўлни бир сумкага, бош ва танани бир сумкага жойлашиб, икковлари шаҳарнинг икки тарафи томон равона бўлдилар...

Жиноят очилди. Ушбу жиноятнинг очилишида ўзининг касб маҳоратини онгли, аниқ режа асосида қўллай олган Гулистон шаҳар ИИБ Жиноят-қидирув бўлими катта тезкор вакили, милиция капитани Иброҳим Сувонов Республика Президенти томонидан «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Лайло НАЖМУЛЛО

Нотариуслар ўқуви

ОДИЛЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНАДИ

Иқтисодий ислоҳотларнинг жадал суратларда амалга оширилиши жараёни - нотариал идоралар зиммасига ҳам бир қадар масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Қашқадарё вилоятининг деярли барча шаҳар ва туман марказларида фаолият кўрсатаётган Давлат нотариал идоралари сафига хусусий нотариал идоралар ҳам қўшилиб, бу соҳадаги хизмат сифат ва сон жиҳатидан тобора яхшиланиб бормоқда. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида, Мироқи қўрғонида, Чироқчи туманларида очилган хусусий нотариал идоралар шулар жумласидан. Шунингдек, Косон шаҳрида, Нишон тумани марказида, Шайхали қўрғончаларида ҳам хусусий нотариал идораларин очиш мўлжалланмоқда. Вилоят адлия бошқармаси ҳузурида ташкил этилган ва ҳар ойда бир марта машғулот ўтказаётган нотариуслар ўқуви семинари эса соҳага доир хизматни яхшилаш, янги қонунларни пишиқ-пухта ўрганиш, вилоятда ягона нотариал амалиётни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Иш жараёнида туғилаётган мураккаб нотариал ҳаракатлар бўйича амалий тажрибалар алмашинмоқда. Ўқув машғулотлари Қарши шаҳридаги 1-Давлат нотариал идораси услубий хонасида ташкил этилиб, маърузачилар билан бир қаторда турли соҳа вакиллари - вилоят солиқ бошқармаси, хусусийлаштириш бошқармаси, судлов идораларидан етакчи мутахассислар таклиф этилдилар. Улар билан мулоқот ва савол-жавоблар қизиқарли тус олаётир.

Яқинда ўтказилган ўқув машғулотидаги ўқув «мерос ишларини расмийлаштириш жараёнида мураккаб ҳолатлар» ҳамда янги қабул қилинган «Уй-жой кодекси»ни ўрганишга бағишланди.

Гози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

УЗОҚДАГИ БУҒДОЙДАН, ЯҚИНДАГИ СОМОН ЯХШИ

Сурхондарё вилояти савдо тармоқларида бирданига ун танқис бўлиб қолганмиш. Одамлар узоқдаги буғдойдан, яқиндаги сомон яхши деб, қўшни тумандаги савдо дўконларда ун излаб сарсону саргардон бўлганларнинг сони минг эмиш. Вилоят пойтахти бўлмиш Термиздек шаҳри азимнинг айрим савдо дўконларидаги «бизнесчи»лар хилват қилиб 50 килограммлик бир қоп унни 3 минг 500 сўмдан пуллаётганмиш. Улардан бунинг сабабини сўрасангиз, ҳар қопга бериладиган «шапка» 250 сўмга чиққанмиш. Харидорлар ҳам жуда инсофли. Пиширгани топилса, оширгани топилар деб талашиб олармиш...

Жамоатчи мухбиримиз

БИЛИМ-МАЪРИФАТ ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРЯПТИ

Мен хизмат қилаётган Боғдод тумани ички ишлар бўлимининг милиция хизматчилари асосий кўрсаткич - жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ўтган йили вилоятдаги туманлар орасида биринчи ўринни олган эдилар. Бу йил эса уч ойлик кўрсаткич бўйича иккинчи ўринни олдилар. Бу натижалар, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Қўлга киритилган бу ютуқлар остида бўлимдаги юзлаб милиция ходимларининг самарали ишлари ва машаққатли меҳнатлари ётипти. Дейиш мумкинки, муқобил хизматдаги айрим ходимларимиз ва участка нозирлари халқимиз осойишталигини сақлаш, одамларнинг эркин яшаб, яхши дам олишлари учун бор фаолиятларини ишга солаётирлар. Маҳалла оқсоқоллари ҳамкорлигида улар ўз постларида тунларни ухламай бедор ўтказадилар. Муҳит, иш шароити талаб қилиб қолган тақдирда кун бўйи ва кечалари уйларига бормасдан иш жойида бўладилар.

Шунинг учун ҳам ички ишлар бўлимининг серқирра фаолиятида участка нозирларининг хизматини алоҳида таъкидламоғим лозим. Участка нозирлари ишни яхшилаш мақсадида халқ билан яқинлашиб, уларни ўз атрофларига мумкин қадар жипсроқ тортишга ҳаракат қиладилар. Нозирларимизнинг бундай ташаббускорликлари яхши самара бермоқда. Қайси участка нозири халқ орасидан маҳалла посбонларини саралаб олиб, жиноятчиликка қарши биргаликда иш олиб бораётган бўлса, ўша жойда қонунчилик қарор топиб, ҳуқуқий фуқаролик давлатчилигимиз мустаҳкамланмоқда ва шу жойда қонун устуворлиги ҳам таъминланаётир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддаси 4-бобида участка нозирларининг ваколатлари ва вазифалари қонуний равишда белгилаб берилган. Шунга мувофиқ нозирларимиз халқ орасида қонунчиликни тарғибот қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликни олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда олдинги сафда бўлмоқлари лозим. Шуни назарда тутиб, биз участка нозирлари хизмат қилаётган ҳар бир қишлоқда маҳалла посбонларининг алоҳида хоналарини ташкил қилганмиз. Бу хоналарнинг ҳар бирида, яъни ҳар қайси қишлоқда йигирма ёшдан қирқ ёшгача бўлган актив жамоатчилардан иборат халқ посбонлари ишлайдилар. Улар ҳар ойда бир мартадан навбатчиликда туриб, маҳалла оқсоқоллари ёки ички ишлар бўлимининг масъул ходимлари билан биргаликда ҳаракат қиладилар. Участка нозирлари ва маҳалла посбонларининг актив фаолият кўрсатиб ишлашлари туфайли Олтиариқ туманимизда 4 ой мобайнида содир бўлган катта ва кичик жиноятларнинг деярли ҳаммаси ўз вақтида очилди. Бу соҳада мақтовга арзигудай хизмат кўрсатаётган жиноят қидирув гуруҳимизнинг бошлиғи Ойбек Баракабоевнинг номини мамнуният билан тилга олмасдан ўтолмайман.

Шуни ҳам махсус қайд қилишим лозимки, кейинги пайтларда ходимларнинг малакасини ошириш юзасидан шахсий таркиб бўйича бўлим ўринбосари Муроджон Абдуллаев таърифга лойиқ анчагина ишларни амалга оширди. У бўлимдаги кишиларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий билим савиясини, ҳуқуқий маданияти ва касбий маҳоратини ошириш, маънавий онгини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмалари асосида жанговар хизмат тайёргарлиги машғулотларини, шунингдек ҳафтанинг душанба кунларида эса маърифат соатларини мунтазам ўтказиб туради.

Сиёсий-ижтимоий ўқиш машғулотлари ва маърифат дарсларида Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари, қабул қилинаётган қонунлар, сессия материаллари, шунингдек юртбошимизнинг Навоий, Самарқанд, Хоразм вилоятларидаги навбатдан ташқари сессияларда сўзлаган маърузалари туман ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби ходимлари томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда. Машғулотларда Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарига эса махсус эътибор берилаётир. Бу қимматбаҳо китобнинг ҳар бир боби алоҳида-алоҳида суҳбат мавзусига айланаётир.

Кўпчиликка маълумки, кейинги йилларда диний-экстремистик оқимга мансуб шахслар томонидан республикамиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятни издан чиқаришга уриниш ҳоллари юз бермоқда. Бу кўнгилсиз воқеалар ички ишлар ходимлари ва участка нозирларига бундай ёт оқимларнинг келиб чиқиши, диний экстремизм ва диний фундаментализм ҳақидаги тушунчаларни янада кенгроқ тушунтиришни талаб этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, бизни Боғдод туманимизда ҳам бундай оқимлар вакиллари бор экан. Ақли ўтмаслашиб, йўлдан адашган 7 кишини айбига иқрор қилган ҳолда қўлга олдик. Биз бундай кишиларнинг қўпорувчилик нияту мақсадларини аниқлаб, навбатдаги машғулотларимизда бевосита, ана шу диний-экстремистик оқим тарафдорларининг мақсад ва масаклари ҳақида ҳам алоҳида-алоҳида машғулотлар ўтказаяпмиз.

Бу тадбирнинг ҳаммаси, ўйлайманки, туманимизда жиноятчиликни олдини олишда бизларга яқиндан ёрдам беради, албатта.

Холматжон ЭРҒАШЕВ,
Фарғона вилояти Боғдод тумани ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги

ТЎҒАНОҚ

(Давоми . Боши 1-бетда)

мақоли бор. Д.Худойназаровга Ш.Умировнинг жазоланиши, И.Хўжаевнинг ишдан олиниши ва уларга чора кўрилиши эмас, балки кредит керак, холос. Хўш, «Ўзуйжойжамғармабанк» раиси Т.Азимов томонидан тайёрланган расмий хат корхонага кредит берилмаслигини узил-кесил ҳал қиладими? Йўқ, албатта. Бу масалада «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси имзолаган 06/4443 сонли расмий хат юзасидан Республика Марказий банк Қашқадарё вилояти Бош бошқармаси бошлиғи А.Боймуродовнинг Республика Марказий банки раиси ўринбосари А.Эрдонаевга йўллаган қуйидаги расмий жавоби анча ойдинлик киритади.

«...Республика «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси Т.Азимовнинг 1998 йил 22 декабрдаги 06/4443 сонли хатида корхонанинг мол-мулки нотариал тасдиқланмаган деб кўрсатилган. Барча ҳужжатлар тайёрланиб, яъни корхона мол-мулки нархланиб, суғурталангандан кейин банк томонидан гаров шартномасини нотариал тасдиқлаш керак. Лекин банк томонидан шартномалар олиб қўйилган ва банкдан вакил ажратилмаган.

«Ўзбекинвест» компаниясининг вилоятдаги раҳбари М.Сўлтонов корхона мол-мулки олти ойдан бери суғурталанган ҳолда турганлиги, агар шартномани бекор этишга мурожаат қилинса, суғурталанган ойлар учун харажатлар олиб қолиниб, тўланган сумманинг маълум бир қисми шкалалар бўйича қайтариб берилиши мумкинлигини билдиради.

...Бу корхонага кредит бериш масаласи 1998 йил 28 ноябрда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Назаров раислигида Марказий банк вилоят Бош бошқармаси бошлиғи, «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими раҳбари, бўлим бошлиғи ва ҳуқуқшунослари иштирокида муҳокама қилинган ҳамда мажлис баёни расмийлаштирилган.

Мажлисда Марказий банкнинг йўриқномаси бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилса, корхонага кредит бериш мумкинлиги айтиб ўтилган».

А.Боймуродов корхона кредит олишга ҳақли деб эътироф этади. Умиров билан Азимов эса бу фикрга қарши. Орада Худойназаров овора. Шу ўринда уларнинг ўртасига тушиб, қозичилик қилиш ниятимиз йўқ. Лекин Республика Президентининг тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида жон куйдириб қилаётган барча саъй-ҳаракатларига «тўғаноқ» бўлаётган омилларга ва айрим кимсаларга кимдир чора кўриши керак-ку, ахир?!

Мамлакатимизда банк тизими ишини янада ривожлантириш, банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаш юртимиз равнақи, ободончилигининг асосий мезонларидан бири эканлигини наҳотки «Ўзуйжойжамғармабанк» раҳбарияти тушунмаса? Мазкур банк бошқаруви раисининг «Яхши ният» қурилиш ишлаб чиқариш корхонасининг кредит олиши асоссиз дея хулосаловчи 06/4443 сонли расмий хатини Республика Марказий банки раиси ўринбосари А.С.Эрдонаевга ёзилган ушбу расмий жавоб хати ҳам инкор қилади.

«...1998 йилнинг 4 декабрида «Яхши ният» қурилиш ишлаб чиқариш корхонаси муассиси Д.Худойназаров «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлими раҳбарияти томонидан йўл қўйилаётган бюрократия ва таъмагирлик ҳоллари хусусида шикоят ёзиб, мурожаат қилган эди. Мазкур шикоят хати ва унга илова қилинган ҳужжатлар 9 декабр куни ҳар томонлама объектив кўриб чиқилиши учун сизнинг имзоингиз билан «Ўзуйжойжамғармабанк» бошқаруви раиси Т.Азимовга жўнатилган эди.

«Ўзуйжойжамғармабанк» раиси сизнинг номингизга 1998 йил 22 декабр куни 06/4443 сонли хат билан жавоб йўллади. Жавоб хати мазмунидан кўриниб турибдики, мазкур банк раҳбарияти фуқаронинг шикоят хатига юзаки қараб, (эътибор беринг) **ўзларини оқлашга ҳаракат қилишган.**

«Ўзуйжойжамғармабанк» томонидан Қарши шаҳрига мутахассислар юборилиб, ушбу масала ҳар томонлама ўрганилиши лозим эди. Шу муносабат билан сизнинг эътиборингизни қуйидагиларга қаратиш лозим деб ўйлайман:

1. Шикоят хатига илова қилинган 06/01100043 сонли мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси бенефицар сифатида «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг вилоят бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчиси Г.Ш.Губайдулина томонидан имзоланган. Банкнинг гербли муҳри босилган. (Аслида суғурта қилиш шартномасига Г.Губайдулина эмас, балки Ш.Умиров имзо чеккан. Қизиқ, ҳужжатда эса Губайдулинанинг фамилияси турса-да, Ш.Умиров имзо чекса?)

2. Суғурта шартномаси бенефицар «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг вилоят бўлими фойдасига тузилганлигига эътибор бериш лозим.

3. Мазкур суғурта шартномаси бўйича «Яхши ният» корхонаси «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясининг банк ҳисоби рақамига 1998 йил 27 июлда 100 минг сўм ўтказиб берган. Арз қилувчининг таъкидлашича, 195 минг сўм маблағ суғурта бадали сифатида ўтказилган.

...Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бўлимининг нотўғри ҳатти-ҳаракати билан «Яхши ният» корхонасига 202 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

...Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, мазкур шикоят хати юзасидан тижорат банкларини назорат қилиш департаменти ходимлари томонидан текшириш ўтказиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблайман.

Текшириш натижалари асосида Марказий банк эксперт маслаҳат комиссиясининг хулосаси зарур.

Ҳ.Н.Нурмуродов,
Банк тизимида метадология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори»

Бунга нима дейсиз? Бугун тадбиркорга амалий иш, натижа керак. У кредит олишига ишонади. Қонунлари устувор юртимизда адолат тантана қилиши шубҳасиз. Тадбиркор тинмайди. Ҳозирги кунда у «Замин» ИПОТЕКА банки ёрдами билан Республика Меҳнат биржаси йўналишида бериладиган 3 йиллик муддатли кредит ҳисобидан пиво ишлаб чиқариш кичик заводи қуриб, ўн нафарга яқин янги ишчи ўрни яратмоқда. Агар «Ўзуйжойжамғармабанк» вилоят бошқармаси мутасадди раҳбарлари йўлга тўғаноқ бўлмаганда эди, бу ишлар бир йил аввал ривожланган бўлар эди ва давлатга миллион-миллион фойда келтирмасмиди? Тадбиркорни шунча сансоларликка рўпара қилгани етмагандек, банк ходими Илҳом Хўжаев унинг устидан прокуратурага ариза берибди. Қарши шаҳар прокуратураси терговчиси эса қилни қирқ ёриб, адолатни юзага чиқарибди, яъни Д.Худойназаров ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлигини қонуний асослабди.

Тадбиркор югур-югурлардан безор бўлса-да, кредитдан умид узиб-узмай воситачилик фаолиятини бошлаб юборган эди. У 1999 йил 1-кварталида 6 миллион сўмлик товар айланмаси қилди. Апрел ойида 1 миллион 800 сўмлик товар айланмасидан давлат банкига белгиланган 100 минг сўм ўрнига 117 минг сўм нақд пул туширди. Май ойида эса 100 минг сўм ўрнига 20 майга қадар 200 минг сўм нақд пул тушуми туширди. Ахир, бу пуллар ногиронларни, қарияларни, кўп болали оилаларни нафақа билан таъминлаш дегани эмасми? Бу яна Давлат солиқ идораларига беш ой мобайнида жами солиқ турлари бўйича 200 минг сўмдан зиёд солиқ тўлаш демакдир.

- Саргардонликка чидамадим, - дейди Дўстназар, - барча ҳужжатларимни ва ҳисоб рақамимни Қарши шаҳар «Замин» ИПОТЕКА банкига ўтказдим. Ишларим юришиб қолди. Энди ҳаққимни талаб қилиб, қонунларга мувофиқ моддий ва маънавий зиёнларимни ундириб оламанки, бу бошқаларга сабоқ бўлсин.

Бу борада Дўстназар ҳақ. Сўнгги гапни эса шу соҳа бўйича мутасадди идоралар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари айтади, деган умиддамиз.

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
«Инсон ва қонун» махсус мухбири

Акс-садо

БУНДАЙ АРМОН ҲЕЧ КИМДА БЎЛМАСИН

Журналист А.Собировнинг «Инсон ва қонун» газетасида босилган «Армон» деб номланган очеркини ўқиб, ушбу фикрларимни баён қилишни ўз бурчим деб билдим.

Муаллиф жиноий гуруҳнинг жиноий саргузаштларини детектив асарлардагидек жуда равшан қилиб ёритган. Лекин мақсад жиноятнинг даҳшатли тафсилотларини газетхонларга етказиш эмас, уни келтириб чиқарувчи сабаблари ва оқибатларини кенг таҳлил қилишдан ва керак бўлса тегишли хулоса чиқаришдан иборат бўлган деб биламан.

Журналист А.Собировнинг қуйинганича бор. Наҳотки, изқуварлар «хоразмлик оддий бир қизалоқнинг йўл-йўлакай айтиб кетган «чўпчагига» қўл силташмай, уччала ашаддий қотил ва талончини қўлга олишган» бир пайтда катта ёшдаги жабрланувчи У.Ҳайитбоевнинг асосли ташвиши ва кўрсатмаларига, адолатли талабларига беэътибор қарашган. Асосий жиноятчилар ҳибсга олинган бир пайтда уларнинг иккинчи планда қолиб кетган билвосита иштирокчилари, балки ёрдамчиларини ҳам қилмишларига яраша жазолаш мутасадди идоралар назаридан четда қолмаслиги даркор эди. Муаллиф таъкидлаб ўтганидек - бу жиноятчиликнинг томиридир. Ваҳоланки, томирдан қайта ўсиб чиққан ўсимлик серяпроқ, ҳосили эса (масалан, пиёз) аслидан ҳам аччиқроқ бўлади.

Жиноятчилар ҳибсга олингандан кейин 20 кун ўтгач ҳам режалаштирилган жиноятни «хат» ташлаш услубида давом эттирилиши асосий жиноятчиларнинг қуйруқлари ҳамон кўча чангитиб юрганидан далолат эмасми? Бу юзадан мақолада суд ва тергов органларига билдирилган эътироз жуда ўринли деб ҳисоблайман.

Муаллиф терговда шахси аниқланмаган Аҳмад, Сашка, Музаффар, Умид ва ҳоказолар ҳақида фикр юритади. «Улар кимлар?» деган саволга тергов ва суд жавоб беролмаган. Айрим маълумотларга қараганда, шу йил 30 март куни Хоразм вилоятининг Саримой масканида рўй берган мудҳиш жиноятнинг фаол иштирокчилари сафида ўша терговда шахси аниқланмаган жиноятчилар ҳам бўлган. Мана эътиборсизлик оқибати. Энди Гурлан воқеаларидаги тергов жараёнидан қутилиб қолган бошқа шахси номаълум жиноятчиларни яна шундай қотилликка қўл урмаслигига ким кафолат беради? Шунинг учун ҳам жабрланувчиларнинг ҳар бир армонини жиноятчиликнинг таг-томири билан суғуриб ташлашга қаратилган жамоатчиликнинг талаби деб қабул қилиш лозим.

Эркин ОТАЕВ,
Урганч шаҳри

УЧҚУНДАН АЛАНГА ЧИҚАДИ

Мен «Инсон ва қонун» рўзномасининг 1999 йил 27 апрел сонида чоп этилган, журналист Абдулла Собиров қаламига мансуб суд очеркини синчиклаб ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқдиму миямга ўз-ўзидан қатор саволлар қуйилиб келаверди.

Бир қарашда жиноятчиларга суд ҳукми билан фавқулодда чора - ўлим жазоси белгиланиб, улар томонидан содир этилган жиноятларга ҳал қилувчи нуқта қўйилгандек. Аммо воқеалар моҳиятига чуқурроқ кириб борсангиз, кўпгина саволларнинг очиқ, жавобсиз турганлиги аён бўлади:

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари ва жамоатчилик юз берган жиноятга нега ўз вақтида нуқта қўйишмади? Нима учун гуруҳнинг бир йил мобайнида кетма-кет бир неча жиноятлар содир этишларига йўл қўйиб берилди? Очеркда таъкидланганидек, гуруҳнинг қолган аъзолари (фуқаро Вафоевнинг уйига 25 мартда огоҳлантириш хатини ташлаб кетганларни эсланг) тақдири-чи?

Жиноятчи Ражабов уйига раиснинг хизмат хонаси билан ёнма-ён телефон нуқтаси блокировка қилиниши, фуқаро Ҳамид Матқурбоновга қарашли ов милтиғининг ғайриқонуний равишда ғанимлар қўлига ўтиб қолиши жиноят содир этилиши учун шарт-шароитлар яратиб берган омиллар эмасми? Ёки жиноятчилар уясига айланган Ражабовлар хонадони аъзолари, «Севинч» болалар боғчаси вакиллари, воқеага бевосита гувоҳ бўлган қизлар - булар амалда жиноятчиларнинг тегирмонига сув қуйган кишилар эмасми? Улар нима учун суд эътиборидан четда қолди? Хоразмлик жабрдийдаларнинг суд мажлисларида иштирок этишлари нега таъминланмади? Хуллас, саволлар кўп.

Учқундан аланга чиқади, дейишади. Ёнғиннинг асосий манбасини бартараф этиб, атрофдаги учқунларга эътибор қилмаслик яна катта ёнғинларга сабаб бўлиши табиий. 1998 йил 11 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган суд мажлиси бизда ана шундай таассурот қолдирди. Юз берган фожианинг барча тафсилотларини тўла қамраб олмаслик яна бошқа жиноятларга йўл очиб бериш демакдир.

О.РАЖАБОВ,
Урганч туманидаги «Мевазор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Прокурорлик текширувлари давомида кўп камчиликлар юзага чиқди. Кузатувлар шуни кўрсатдики, деҳқонлар ҳалол ишлашган. Аммо, ҳосил самараси учун меҳнатнинг ўзи кифоя қилмас экан. Деҳқончиликнинг баракаси кўп жиҳатдан раҳбарлик услублари, талбиркорлик намуналари каби омилларга боғлиқ экан.

Қарор ва ижро

«ЖУЗЪИЙ» КАМЧИЛИК ЭМИШ

Прокуратура текширувлари қишлоқ хўжалик техникасининг шайлиги масалаларига бағишланди. Аниқланган нуқсонлар чунончи, техника воситалари қаровсиз қолдирилгани, очиқ жойда сақланаётгани, айрим қисмларнинг очилиб-сочилиб ётгани бир қарашда жузъийдек. Элликқалъалик ҳуқуқ ва қонун назорати ходимлари аниқлаган ўша «жузъий» камчиликларнинг замирида жиддий ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар қат очганки, уларни четлаб ўтишга виждон ҳам, қонун ҳам изн бермайди. Ўтказилган текширувлар элликқалъалик айрим раҳбарларга омилкорлик, тежамкорлик туйғулари бегоналигини кўрсатди. Баъзиларга қолса, техниканинг қаровсиз ташлаб қўйилганидан осмон узилиб ерга тушмайди. Бу - эътиборсизлик холос. Чиндан ҳам шундаймикан?

Тумандаги «Янгиер» фермер хўжаликлари уюшмасида ўтказилган текшириш хўжаликда жами 11 та пахта териш машинасидан 6 таси мавсумга шай этилгани, аслида бирontаям агрегат тайёр эмаслигини кўрсатди. Бироқ «тайёр», дея сохта маълумот беришга ўрганган уюшма раиси Д.Бекчоновга: «Қарамоғингиздаги техника воситалари очилиб-очилиб ётибди, уларни бир жойга йиғиб, авайлаб сақласа мушкулингиз осон бўлмасмиди?» дея савол берсангиз, у киши, албатта, камчиликларни хаспўшлашга ўтади, нуқсонларнинг салбий оқибатига имкон қадар тўхталмасликни афзал билади.

Прокуратурадан борган назоратчилар «ўз оёғига ўзи болта ураётганлар»ни биргина «Янгиер»да эмас, «Дўстлик», «Қирққиз», «Элликқалъа», «Тоза Амиробод» ва Ал-Хоразмий номли фермер хўжаликлари уюшмаларида ҳам кўрдилар. Текширувлар давомида «Дўстлик» уюшмасида мавжуд ҳайдов тракторларининг 7 таси турли жойларда «унутиб» қолдирилгани, «Қирққиз» уюшмасида эса мавсумга шай, дея маълумот берилган 6 та ҳайдов трактори, 4 та сеялка, «Элликқалъа» уюшмасида 5 та, «Тоза Амиробод» уюшмасида бironта ҳам, Ал-Хоразмий номли уюшмада 6 та пахта териш машиналари аслида тайёр эмаслиги аён бўлди. Мавсумда чала-чулпа ишлаган техника воситаларини дуч келган жойга ташлаб кетиш, ҳатто «хомталаш» қилиш кабилар раҳбар ва мутасаддилар дилида давлат манфаатдорлик туйғулари ҳануз уйғонмаганини кўрсатди.

Техника ва транспорт воситаларининг айни зарур маҳалда деҳқонга қўл-қанот бўлолмагани баҳорда экиш, кузда эса йиғим-теримни орттга суриб юборади. Далачўлда қолиб кетган машина-механизмлар эса яроқсиз ҳолга келиши гўдакка ҳам аён. Техника тайёр бўлмасада, «тайёр» дея маълумот бериш қилинмаган ишлар учун кимларгадир мўмайгина меҳнат ҳақи ёзилишидан далолат беради.

Ўтган мавсумда қорақалпоғистонлик деҳқонлар меҳнати нега шамолга совурилгани сабабларини энди англагандирсиз?! Ана сизга «жузъий» камчилик!

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Алҳазар!

КЎЙЛАГИ ҚОН ГЎДАКЛАР

Сўнгги кунларда Амон аканинг кайфияти йўқ. У нима иш қилишини, қандай ўтириб-туришини ҳам билмайди. Қайси ишга қўл урмасин, ўйхаёлига эндигина гулдай очилиб бораётган қизи Дилором келади, «Дадажон, ёрдам беринг, қотил куёвингиз қўлидан қутқаринг мени!» дея илтижо қилаётгандай туюлади...

Кўзининг оқу қорасидан айрилган Амон ака жойидан минг азобда турди. Қизимнинг руҳи нотинч, безовта бўлаяпти, деган ўй билан тунни бедор ўтказди.

Орадан икки кун ўтар-ўтмас тушида қизининг нолиши сабаби ойдинлашди. Дилоромни ўн уч жойидан пичоқлаб, азоблаб ўлдирган куёви Аҳмад Ҳамроқуловга берилган ўлим ҳукмини Республика Олий суди 20 йил қамоқ жазоси билан алмаштирибди, деган хабар келди. Амон ака бу гапни эшитган қулоғига ишонмай, бор овози билан маҳаллага дод солгиси келди. Наҳотки...

* * *

Самарқанд тумани «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги Арабхона қишлоғида даҳшатли фожиа юз берди. Айни саҳар палда ёш гўдакларнинг уввос солиб йиғлаши қишлоқ аҳлини уйғотиб юборди. Хавотирланиб бирин-кетин югуришиб кирган қўшниларнинг, хонадонда юз берган воқеани кўриб, юраклари орқасига тортиб кетди. Уйнинг ўртасида Дилоромнинг қонга беланган гавдаси, уст-бошига қон сачраган 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган уч ўғил онанинг қонга беланган танасини қучоқлаб фарёд чекишарди. Беш ёшли Зиёдулло қаттиқ қўрққаниданми, соқов бўлиб қолган, катта ўғил Тошмуроднинг юзи пахтадай оппоқ оқариб кетган, 3 ёшли Анваржон бўлса беҳуш...

- Ҳа, нима бўлди, Тошмурод? - сўради ён қўшни уйга киргач.

- Дадам ойимни сўйиб кетди, - деди юзу қўлари қонга беланган болалар.

Бир яхши гап, бир ёмон гап тез тарқаларкан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, туман милицияси ва прокуратурасидан ходимлар етиб келишди. Дилоромнинг жасадини кўрган кишининг эти увишиб кетарди. Қидирув-тергов ходимлари қотилнинг изига тушдилар. Уни қаерга қочиришганини сингиллари, аввалига сир тутишди. Аммо сир тезда очилди, фарзандлари кўз ўнгида Дилоромга 13 марта пичоқ урган қотил тезда қўлга олиниб, тергов қилинди. Судда ҳаммаси равшанлашди...

* * *

Арабхоналик бебош Аҳмад Ҳамроқулов саккиз йил олдин ҳамқишлоғи Дилором Норқуловага ўлдимқуйдим деб уйланган. Саккиз йил бирга яшаб, учта ўғилли бўлади-ю, аҳлини йўқотиб, ширин-ширин болагиналарни, рўзғорини ўз ҳолига ташлаб қўяди. Тўртбеш банги ҳамтовоқларига қўшилиб, кўчаларда дайдиб юрадиган одат чиқаради. Нашаванд улфатлари билан енгилоёқ аёлларни топиб, уларга илакишади. Оқибатда бу айшу ишратлар қимматга тушганини ўзи ҳам сезмай қолади. Дайдиларга анчагина сарф-чиқим қилиб, эвазига захм касаллигини «совға»га олган эди. Бу орада касаллик хотинига ҳам юқади... Хуллас, қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидай, Аҳмад Дилоромга дўқ-пўписа қилиб, хотинининг чок тикиб турмушини тебратаётган тикув машинасини, тилло халқаларини даволанамиз, пул керак, деб мажбуран тортиб олиб, 25 мингга сотади. Шу-шу оилада тинчлик йўқолади.

Бу орада Аҳмад дом-дараксиз кетади. Унинг опасингиллари Нориниса билан Тўти ва акаси Ҳақберди: «Аҳмадни Сурхондарё вилоятига таниш дўхтириникига даволанишга олиб бориб қўйдик» дейишди. Судда маълум бўлишича, Арабхона қишлоғида яшовчи синглиси Тўтинисо Аҳмадни ўн кун уйида яшириб юрган. Ўнинчи куни Аҳмад поччаси Насимнинг пичоғини олиб, мудҳиш режасини амалга оширишга киришган. Кечаси соат ўн бирларда уйига келиб, яширинча терасканинг очиқ деразасидан уйга киради. Нашанинг кайфидан карахт ҳолда уч болаларини қўлтиқлаб ётган хотини Дилоромга ташланиб, унга пичоқ санча бошлайди. Онасининг аянчли қичқириғидан уйғониб кетган ўғиллари унинг оёғига ёпишиб: «Дадажон, ойижонимни ўлдирманг» дея илтижо қилиб йиғлашларига қарамай, норасида гўдакларнинг кўз олдида Дилоромнинг кўкрак қафасига, чап ва ўнг биқинига, елкасига, тизза бўғинларига такрор-такрор пичоқ уради. Жон талвасасида питирлаётган Дилором бор кучини тўплаб, отасининг кучли тепкиси зарбидан деворга бориб урилган ўғилларига қараб талпинади. Буни кўрган Аҳмад эса Дилоромнинг чап қўли кафтига, кўз ости ва пешонасига пичоқ санчади. Бу билан кифояланмасдан, Дилоромнинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун унинг бўғзига пичоқ тортади... Ниҳоят зор қақшаган ўғилларини қолдириб, Аҳмад ярим тунда қочиб опасиникига қайтиб боради. «Мен хотинимни ўлдириб келдим» деб мақтаниб, хотининнинг бўйнидан ечиб олган тилло ҳалқани синглисига беради. Синглиси эса Аҳмадга 3500 сўм пул бериб, уни Тошкентга қочириб юборади.

Судда қотилнинг инисингилларига нисбатан ҳеч қандай чора кўрилгани йўқ. Самарқанд вилоят суди қотил Ҳамроқулов Аҳмадни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-модда 2-қисми «Ж» банди билан айбли деб топиб, унга ўлим жазосини тайинлади. Муносиб жазо!..

* * *

Республика Олий суди нимани назарда тутиб, ушбу ҳукмни ўзгартирди экан? Шуларни ўйлаб, безовталанган Амон ака бу даҳшатли воқеадан қўрқиб, касалманд бўлиб қолган невараларини кўз олдига келтирди. Эрталабгача оналарининг қонли танасини қучоқлаб ётган уч гўдакнинг мурғак руҳларида кечган азоб-уқубат, юз берган қонли манзарадан юраги эзилиб, ўша оқшомдаёқ соқов бўлиб қолган Зиёдуллонинг уволи, онаси дафн этилгач, унинг қабри устида додлаб ётиб олган Тошмуроднинг фарёдлари... Наҳотки?! Уч яшар Анваржоннинг кунора уйқусида қўрқиб: «Ана, қўлида пичоғи билан дадам келаяпти, мени ҳам сўйиб қўяди!» деб додлаб уйғониб кетишини ўйлашмадимикан?!

Болаларимни катта қилиб, орзу-ҳавасини кўраман, деб ўзини юпатиб юрган Дилоромни фарзандларини кўз олдида қийнаб сўйган бу қаттол қотилга Олий суд нега мурувват кўрсатди экан?! Аҳмаднинг қотиллик қилишига йўл қўйган, ҳатто бунга шароит яратган синглиси Тўтинисо ва акаси Ҳақбердига нимага ҳеч нарса дейишмади? Ҳовлисига кўкнору наша экиб, қўлга тушган Ҳақбердига суд нега чора кўрмади?!

Ўйлаб ўйига етолмаган Амон ака маслаҳат сўраб, Самарқанд вилоят суди маслаҳатхонасига борди. Бу ерда унга Нуриддинова деган адвокат аёл юзма-юз келиб қолди. У Амон аканинг саволларига жавоб топиб бериш ўрнига: «Дод солиб, қаерга борганинг билан қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Мен куёвингни турмадан чиқариб оламан!» деб қалб ярасига туз сепди. Шундай ваҳший қотилни-я! Наҳотки, шу гаплар рост бўлса...

Аҳмаднинг Холчучук деган катта опасининг ўғли Жўрабек Муродов тоғасидан ибрат олиб, яқинда уйланган ёш хотинини пичоқлаб ўлдирмоқчи бўлганида қўлга олинган эди. Самарқанд шаҳар суди бу ишни кўриб чиқиб, Жўрабекка 6 йилгина жазо берди. Аҳмаднинг акаси ва жиянини судида ана шу адвокат Нуруллаева қатнашиб, ҳомийлик қилган. Амон ака бу гапларни кейин эшитди.

Амон ака ким билан маслаҳатлашишни билмай, тўғри қишлоғи - Самарқанд туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигига қарашли Арабхона қишлоғига қайтди. Унинг сўлғин юзларини кўрган, руҳан эзилганини сезган Арабхона маҳалла оқсоқоллари гап нимадалигини тушундилару кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдилар: «Кўп койинаверма, атрофингда бизлар бормиз. Ҳамма ҳамқишлоқларинг дардингга шерик!» деб унга далда бердилар.

Шу куннинг ўзида маҳалла оқсоқолларининг йиғини бўлиб ўтди. Улар Олий судга талабнома ёздилар. Ҳукмни ўз ҳолича қолдириш тўғрисидаги бу талабномага Арабхона маҳалла йиғинидаги юздан ортиқ киши қўл қўйди. Бу йиғинда 31 нафар қизу жувон сўзга чиқиб, хотини Дилоромни уч нафар боласининг кўз олдида сўйган Аҳмадни қоралаб, лаънатлаб, Олий судга талабнома ёздилар, талабномага ҳамма аёллар имзо чекишди...

Бу талабнома ва ҳужжатларни маҳалла қўмитасининг оқсоқоли тегишли жойга жўнатди... Зора бу ҳужжатлар инобатга олинса. Дилоромнинг пок руҳи шод бўлармиди, деймиз.

Зайниддин ДЎСТМАТОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИШРАТХОНА «ГУЛ»ЛАРИНИНГ БАҲОСИ

Ёхуд «трасса гўзаллари»нинг янги саргузаштлари

Баъзида катта йўл ёқаларида, айрим шаҳар бекатларида ўтган-кетган енгил машиналарга суқланиб, қилпанглаб ўзини кўз-кўз қилиб турадиган енгилоёқ жувонларни учратиб қоламиз. Аёл деган мўъжаддас номга доғ тушириб, юзларига ҳар хил бўёқлар чаплаб олган, ярашмаган ямоққа ўхшаш бу беҳаёлар одамларнинг ғашини кўзғаши тайин.

Фарғона шаҳар ИИБ ахлоқ милицияси ходимларининг текшириши натижасида бирнеча фоҳишахона аниқланган ва бу жойларда «фоҳишалик»ни касб қилиб олган бирнеча ўн аёл рўйхатга олинган.

Ҳаром-харишнинг фарқига бормайдиган, бойликка муккасидан кетган бузуқ аёллар кўчаларда, бозорларда баъзи тажрибасиз, ёш қиз-жувонларга юмшоқ муомалалар қилиб, уйларидан жой беришиб, уларни йўлдан оздиришади. Бу қиз-жувонлар ҳам кимнингдир фарзанди, кимнингдир синглиси, бироқ уларнинг айримлари чакки қадам босишгани оқибатида уйларидан ҳайдаб юборилган бўлса, баъзилари уйсиз, бошпанасиз қолгани боис товламачиларнинг тўрларига ўралашиб қолганликларини ўзлари ҳам сезмай қолишган.

Яқинда Фарғона шаҳрида: «Андижонлик Хуршидахон исмли аёл янги «сўлим дам олиш маскани» очибди, водийнинг турли бурчакларидан жононлар келишиб, пулдор эркакларнинг «дардларига малҳам» бўлаётганмиш» деган гап тарқалди. Бу гап вилоят ИИБ ахлоқ бўлими ходимларининг эътиборини тортди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, деганларидек, Хуршидахоннинг «қиз»ларидан бири 1,5 минг сўм эвазига бир жазманига «хизмат» кўрсатаётган пайтда ахлоқ милицияси ходимлари томонидан қўлга олинди. М.исмли 19 ёшли бу енгилтак аёл суд ҳукмига кўра 3 йил ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинди.

Қарс икки қўлдан чиқади деганларидек, фоҳишалар ўчоғига ўт қалаётган, бели оғримай топган пулини ҳаром-харишга сарф қилаётган эркаклар ҳам топилади. Бундайлар ҳалолу пок, «уҳ» десалар кеча-кундуз ёнларида парвона бўладиган аёлларини ўйласалар, қадрига етсалар яхши бўларди.

Эрдавлат ОДИЛОВ

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» ҳам қонун қабул қилинди. Унда «Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи», «Уч ёшга етмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқига иш вақтининг 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланган».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида:

1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда унинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Шунингдек, 1999 йил 30 апрелда Президентимизнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонида ҳам аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатлари бирламчи ўринга чиқарилди.

Аёлнинг ана шундай ҳаётбахш сифатларини назарда тутиб, 1999 йил март ойида Адлия вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Республика хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият ва маърифат Маркази, судьялар Ассоциацияси ва Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ҳамкорлигида «Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш» мавзусига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ана шундай тадбирнинг Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ҳам ўтказилиши аёлнинг бунёдкорлик қобилиятини янада оширишга маълум даражада ҳисса бўлди, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида тайёрланаётган Оила кодексига шарҳлар оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Республика Ҳуқуқий маърифат Маркази томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, оилаларни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган «Аёл ва ҳуқуқ», «Аёл ва жамият», «Оилада аёлнинг роли», «Сен муқаддассан аёл», «Оила - муқаддас даргоҳ» мавзуларида 200 та давра суҳбатлари, 6та семинар ва битта илмий-амалий конференция ўтказилди. Жумладан, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги «Дўстлик» маҳалласида «Ҳомиладор аёлларга бериладиган имтиёзлар», Пешку тумани «Богомусо» қишлоқ фуқаролари йиғинида «Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари», Олот тумани «Денов» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Аёллар меҳнатини енгиллаштириш» мавзуларида давра суҳбатлари ва саволжавоб кечалари бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг ижобий натижаси шу бўлдики, қишлоқ аҳолиси, айниқса аёллар, ҳаётдаги ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда туғилган барча саволларига жавоб топдилар.

«Адолат» нашриётида хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун кафолатларини акс эттирувчи оммабоп юридик адабиётлар нашр этиш йўлга қўйилди. Яқинда чоп этилган «Ёш келин-куёвларга эсдалик» рисоласи ёшларнинг никоҳдан олдин ва кейинги ҳаётларида ҳуқуқий қўлланма бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Адлия вазирлиги тизимидаги Тошкент давлат юридик институти ва Тошкент юридик коллежида ҳам Аёллар йилига бағишланган қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Тошкент Давлат юридик институтида «Қизлар давраси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу танлов талаба қизларнинг заковатли бўлишида ва уларни мустақил ҳаётга тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимиз томонидан аёллар манфаатини кўзловчи бир қанча тадбирлар ўтказилаётганига қарамай, баъзида аёллар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га 1995-1998 йилларда келиб тушган 6211 та мурожаатдан 3748 таси, 1998 йилда келиб тушган мурожаатлардан 63,4 фоизи аёллар томонидан бўлган. Эл-юрт тинчлиги, тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, фаровонлигини аёлларсиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, улар томонидан бўлаётган арз-шикоятларга жиддий эътибор билан қараш ғоят муҳим ишдир.

Хуллас, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аёл ва унинг фаол иштирокини таъмин этмоғимиз шарт.

Дилбаҳор ЯКУБОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими, юридик фанлари номзоди

1999 йил — Аёллар йили

ДУНЁДА БИР УЛУҒ ЗОТ БОРКИ...

Олис мозийдан тортиб, ҳозирги кунимизга қадар ўтган даврга назар ташласак, аёлларимизга доимо ҳурмат-эҳтиром билан қараб келинганининг гувоҳи бўламиз. Таниқли ёзувчилардан бири: «Дунёда бир улуғ зот борки, биз ундан доимо қарздормиз», деган эди. Ҳақ гап. Аёл - бу она, аёл - опасингил, аёл - бу севимли маҳбубамиз. Борингки, умр йўлдошимиз, деб улуғлаб келинаётган бу буюк зот, айни пайтда дунёга чирой берадиган, уни ясантирадиган, мазмуну мағрурлик бахш этадиган улуғ сиймо. Ҳа, оддий бир шахс бўлиб кўринган аёлларимиз оилаларимиз устуни бўлибгина қолмасдан, жамият кўрки ҳамдирлар. Дунёни бу заминда одамлар ва аёлни қандай пайдо бўлганлиги хусусида баҳслар юритамиз, талашиб-тортишамиз. Шуниси ҳаммага маълумки, ўз фарзандига илк бор алла айтган ҳам, хонадон ўчоғида ўт ёндириб, буюк кашфиётлар қилган ҳам, ўжар дунёни тизгинлаб, ўз латофати билан измига бўйсундирган ҳам ўша ибтидоий аёллар бўлган. Совуқ тошлардан иборат ғорларга ҳаёт нафасини олиб кирган, шу тошлар бағрида гул ундирган ҳам аёллар бўлган. Минг шукрларки, айнан ана шундай яхши фазилатлар бизнинг замондош аёлларимизга ҳам она мерос бўлиб келмоқда. Ўзбекистонимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ аёлларга катта ғамхўрлик кўрсатилаётганининг боиси ҳам шундан бўлса керак.

Аёл хусусида сўзлаш - бу замонлар ҳақида сўзлашдир, тарих ҳақида сўзлашдир, бугунимиз ва келажагимиз ҳақида сўзлашдир аслида.

Буюк даҳолар ўз вақтида давр тақдирини, тараққиёт пойдеворини белгилаганлар. Уларнинг доно ақли, ўткир ижтимоий-сиёсий фикри доимо жамиятнинг олға ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган. Тарих саҳифаларида улар ҳақида кўпгина битиклар бор. Лекин Искандар Мақдуний, Амир Темур, Чингизхон сингари буюк саркардаларни, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ибн Сино, Ал-Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби алломаи замонларни ҳайрат билан тилга оламиз. Лекин уларни сийлаб-сийпалаб вояга етказган, тарбиялаб ўстирган аёл - оналар ҳақида деярли ҳеч нарсани эсламаймиз. Мана шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳадиси шарифларида: «Жаннат оналар оёғи остидадир», дейилади.

Қаҳрамонларни ажойиб инсонларни тарбиялаган аёлларнинг ўзлари ҳам мислсиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар. Тўмарисни тилга олайлик. Ёинки, Ғарбда эҳтиром билан қуйлашадиган Жанна Д.Аркнинг қаҳрамонлигини эслайлик. Жангу жадалларда доимо соҳибқирон Амир Темур билан бирга бўлган Бибихоним-чи? Бу каби кўплаб мисолларни тилга олишимиз мумкин. Шу шижоат, шу мардликни ҳозирги тадбиркор аёлларимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шунинг учун ҳам ўтган йилни Оила йили деб эълон қилган Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг беш йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда шундай деган эдилар: «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади... Зеро оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асосидир... Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму хаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади».

Оила саодати - аёл саодатидир. Ўтган йили Оила дастурига кирган тадбирларнинг деярли ҳаммаси ўз ижобатини топди. Мамлакатимиздаги энг асосий юмушлардан бири - Оила фаровонлигини таъминлаш эканлиги ҳам чуқур маъно касб этди. Чунки фаровон оиладан етук фарзандлар етишиб чиқади. Оилани режа асосида олиб боришнинг ҳам асл мазмуни шундандир.

Оиланинг таянч устунларидан бири - она, яъни аёлдир. Аёл фарзанд тарбиясига оид барча юмушларни бажаради. Болаларнинг одобли, меҳнатсевар, ҳақгўй, тўғрисўз, фидойи бўлиб ўсиши кўп жиҳатдан она ва онанинг ибратига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. «Қуш уясида кўрганини қилади», дейди халқимиз. Агар оналар оиланинг пешвоси саналган отани иззат қилса, фарзандларига ота мақоми қанчалар улуғлигини уқтирсалар ёки ота-оналар муқаддас зот эканлигини ўз хатти-ҳаракатлари билан изоҳласалар, яхши иш қилган бўладилар. Бундай оилада камол топган фарзандлар ҳам инсонни қадрлайдиган, меҳрибон, ҳурмат нималигини биладиган инсонлар бўлиб улғаядилар, албатта! Ибрат - фарзандлар учун буюк дарсдир!

Оила - жамиятнинг кичик бир бўлаги деймиз. Дарҳақиқат, жамият кўплаб оилалардан ташкил топади. Оилаларни ҳар томонлама ривожланишига эришилса, жамият юксалади. Кўриниб турибдики, аёлнинг жамиятимиздаги ўрни ниҳоятда буюк.

Шунинг учун ҳам аёлларга эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик янги-янги маъно касб этмоқда. Юртбошимиз ўтган йилнинг охирида, Конституция куни тантанасида таъкидлаб айтадиларки: «Мен 1999 йилни мамлакатимизда аёллар йили деб эълон қилишни таклиф этаман. Аввало, бу инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўп-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. Чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз, хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим». Бу сўзлар ҳаётимизда ўз маъносини топиб бораяпти.

Яқинда ўз ишини якунлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессиясида «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга асосан «уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланди. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳамда назарда тутилган иш стажи мавжуд бўлган тақдирда 54 ёшга тўлган аёлларга пенсияга чиқиш ҳуқуқи» берилди. Бундай ҳуқуқдан ҳар йили 77 минг аёл фойдаланиши, бунинг учун 3,5 миллиард сўм сарфланишини кўз олдимизга келтирсак, ушбу қонунинг мақоми қанча баландлиги кўз олдимизга келади. Шу фактларнинг ўзиёқ, мамлакатимизда аёл қадри, нуфузи қанчалар баландлигини тасдиқ этиб турибди.

Аёл - қудратли куч. Аёл - жамиятимизнинг кўзгуси. Аёли кулиб яшаган эл - энг бахтли элдир.

Ватанимизда аёлларнинг иззат-обрўси, эътибори-эъзози ўрнига қўйилган. Буни «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Тадбиркор аёллар» уюшмаси мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Фарида САИФНАЗАРОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Тақдир сўқмоқларида

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАНЛАР ҲИМОЯСИ

Маҳбус жазо муддатини ўтаб, озодликка чиқди. Туғилиб ўсган хонадони - оиласи-ку уни қучоқ очиб кутиб олади. Бироқ уни ишга жойлаштириш, моддий ва маънавий шароитини яхшилаш, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя этиш, жамиятимиз ҳаётига мослаштириш каби муҳим тадбирлар билан ким шуғулланади? Инсонпарварлик тамойиллари асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муқаддам судланиб, ахлоқ тузатиш муассасаларидан озод этилган ва махсус комендатуралар ҳисобидан чиқарилган шахсларнинг ижтимоий ҳимоялаш кўникма Маркази ҳақида»ги фармойиши ва ушбу ҳужжатнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалари жойларда қандай амалга оширилмоқда? Шундай савол билан Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Муқаддам судланганларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш кўникма Маркази бош мутахассиси Абдураҳмон ЁҚУБОВга мурожаат қилганимизда, у бизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Қашқадарё вилоят ҳокимининг 1995 йил қарори билан муқаддам судланган шахсларни ишга жойлаштириш, уларни моддий ва маънавий шароитини яхшилашга амалий ёрдам бериш вазифаси барча шаҳар, туман ҳокимлари зиммасига юклатилган. Шу асосда кўникма марказига ҳокимнинг соҳа бўйича ўринбосари раҳбарлик қилмоқда ва Марказ фаолиятини назорат қилиб, ташкилий услубий ёрдам бериб келмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида 448 киши Марказ томонидан рўйхатга олинган. Уларнинг 211 нафари Марказ томонидан ишга жойлаштирилган. 157 кишига паспорт олишга ёрдамлашилган, 9 киши шифохоналарга жойлаштирилган. 7 кишини нафақага чиқаришди, 6 кишига ногиронлик ҳужжатларини тайёрлашда кўмаклашилган.

- Вилоятда муқаддам судланганлар томонидан такрор жиноятлар содир этилиши кўпаймоқда экан...

- Инкор этиб бўлмайди. Улар томонидан ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан содир этилган жиноятлар сони 34 тага кўпайганлиги қайд этилди. Аслида бундай ноҳуш ҳолнинг олдини олса бўладими? Ҳа... Бунинг учун муқаддам судланганлар ҳимояси 3-4 та тегишли идоранинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу ўринда идоралар ўртасидаги доимий ҳамкорлик асосий муваффаққиятни белгилайди. Шунингдек, Марказ Низомига кўра жазони ижро этиш муассасаларидан озод этиладиган муқаддам судланган шахслар ҳақида маълумотлар муассасалар раҳбарияти томонидан 1 ой олдин тақдим этилиши кўзда тутилган бўлса-да, бу қоидани амалга ошириш қийин кечмоқда. Ёки озод этилган шахсларга 6 минимум иш ҳақи миқдорида бир маротабалик тўлиқ моддий ёрдам берилиши масаласи бюджетдан ажратилган маблағнинг Марказ ҳисобига ўтказилишига боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда бу ҳолат орқага сурилмоқда. Боз устига ва кўпинча Марказимиз жазони ўтаб чиққан, турли ихтисосга эга бўлган шахслардан иборат ҳунармандчилик фаолиятларини, айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг филиалларини ташкил этиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини тузишда ҳам қийинчиликларга дуч келмоқда. Эндиликда муқаддам судланганлар орасида содир этилаётган такрор жиноятларни олдини олиш учун зиммамизда улар жазони ўтаб қайтиши билан рўйхатга олиш, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам бериш, уй-жой масаласини ҳал қилиб бериш, улар ўртасида тарбиявий тушунтириш ишларини олиб бориш каби муҳим вазифалар кўндаланг турибди.

Фуқаролар йиғинлари, тегишли корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарлари, ҳуқуқ муҳофазаси идоралари масъул ходимлари билан ҳамкорлик изчил йўлга қўйилса, вилоятимизда муқаддам судланганлар орасида жиноятчилик кескин камайиши турган гап.

Суҳбатдош:
Ғ. РАҲМОНОВ

Республика ўқувчилари фан олимпиадаси якунловчи босқичида Яккабоғ туманидаги 1-лицей-интернат мактабининг XI синф ўқувчиси Улуғек Жўраев ҳуқуқшунослик фани бўйича ғолибликни қўлга киритди. Эндиликда у ҳуқуқшунослик олийгоҳининг муддатидан олдин талабаси деган шарафли номга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошевнинг олимпиада ғолибига табригида шундай сатрлар бор:

«Азиз Улуғбек Жўраев! Келажаги порлоқ Ватанимиз, халқимиз учун хизмат қилиш, фидокорона меҳнатингиз билан илм

Ноёб истеъдод эгалари

ҲУҚУҚ ИЛМИНИНГ КЕЛАЖАК ВОРИСИ

чўққиларини эгаллаб, рақобатбардош илм сохиби бўлиб етишишингиз, жамият тараққиётига ўз хиссангизни қўшишингизда Сизга омад ва улкан зафарлар ёр бўлсин!» Албатта бундай бахт ўз-ўзидан келмайди. Унинг энг катта ютуғи дарсликлар материалларини тўлиқ ўзлаштириш билан бир қаторда Республикамиз Конституциясининг мавжуд моддаларини тўлиқ ёддан билишидир. Шунингдек, Улуғбек Жиноят Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Меҳнат қонунлари кодекслари ва умуман ҳозиргача қабул қилинган барча қонунларни пухта ва пишиқ ўрганиб чиққан. Сўнгги йиллардаги Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ҳам яхши таниш Улуғбекнинг устози Ҳабибахон Орипова ўз шогирди ҳақида шундай дейди:

- Улуғбек ниҳоятда тиришқоқ, меҳнатсевар ўқувчи. Меҳнатсиз бундай ютуқнинг келиши қийин. У тинимсиз мутолаа қилади, компьютер билан бемалол «тиллашади». Шогирдимнинг бу ютуғидан бошим кўкка етди.

Ўз мухбиримиз

Икки дўст суҳбатлашарди:

- Машина сотиб олибсан, деб эшитдим, тўғрими?

- Ҳа. Мушкулим жуда осон бўлиб қолди. Масалан, эрталабданоқ ДАНга бориб келдим. Сўнг эҳтиёт қисмлар дўконига карбюраторни таъмирлашга шошилдим. Ёқилғи қуйгач, уйга қайтиб, ғилдиракни алмаштирдим. Агар машинам бўлмаса шунча ишга улгурармидим?!

***

- Яна шимимни дазмол қилмабсан-да, Клава! - деди эр хотинига.

- Худо ҳақи, дазмол қилдим.

- Алдама! Чўнтагида

қолдирган 100 доллар жойида турибди-ку!

***

Янги рус бойваччаси олдига икки солиқ инспектори келиб деди:

- «Волга» сотиб олиш учун қанча вақт керак бўлади?

- Ҳозир ҳисоблайман: оз-моз тиллаларимни сотиб, ҳамтовоқларимдан олсам... Хўш, икки соат етади.

Солиқчилар бир-бирларига сирли қараб олгач, кетишди. Бойвачча ўйларди:

- Аслида барча кемалари-ю, Нижний Новгород каби шаҳарларини қўшиб сотиб олиб бошимга ураманми? Шаҳар мэрини сайлаш ташвиши ҳам бор.

***

Бир аёл қўшнисидан сўради:

- Нега мушугингиз безовта миёвлади?

- Чўмилтирган эдим.

- Мен ҳам чўмилтираман, лекин бундай миёвламайди-ку!

- Сиз чўмилтиргандан сўнг обдон сиқмасангиз керак-да...

Тўпловчи:
Нилуфар АБДУЛВОИТОВА

Биласизми?

КЎК ЧОЙ — РАККА ДАВО

Айтишларича, кўк чой рак касаллигининг олдини олибгина қолмай, унга қарши восита ҳам экан. Буни Шимолий Америкада бўлиб ўтган IV кимё конференциясида Япония ва Америка олимлари тасдиқлашди. Сичқонлар устида ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, доимо кўк чой ичиш натижасида улар буйрак, тери, ўпка ва ошқозон раки ривожланишидан яхши сақланган (ҳатто уларга рак атайлаб юқтирилган бўлса-да). Бундай кўринишни одамларда ҳам кузатиш мумкин.

Кўк чойда аниоксидант моддаси бўлиб, у ракни келтириб чиқарувчи вирусларни ўлдиради. Киши ўзини ракдан ҳимоя қилиш учун ҳар куни ўн пиёла кўк чой ичиши лозим.

Кўк чой чекувчилар учун айниқса фойдалидир.

Азиза ҚОРАБОЕВА

КЕЛГУСИ СОНДА:

ГУЛ ТИМСОЛИДАГИ ТИКАНЛАР

ТУЗАТИШ:

Газетамизнинг шу йил 1 июн сонида босилган «Наркоман — чоҳга тортаман» сарлавҳали мақола муаллифининг лавозими «вилоят бош прокурори» эмас, «вилоят прокурори» деб ўқилсин.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0485. Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи:
С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Д. НОРМИРЗАЕВА
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.